



УШБУ

2-БЕТ

● **ҚОНУННИНГ БАҒРИ КЕНГ**
Америкалик Мария Виер исмли 21 ёшли қиз русийзабонларга ўзбекча санириб, уларни шошириб қўймоқда.

● **ХУДОНИНГ ИНОЯТИ**
Самарқандлик табиб бобо худо берган неъматдан бепуштарни даволаса бўлади демоқда.

● **МАҲАТМА ГАНДИ 13 ЁШДА УЙЛАНГАН**

Туйқусдан келин чириллаб йиғлаб қолди. Маълум бўлишича куёв унинг қўлидаги ширинлигини тортиб олган экан.

3-БЕТ

● **БАХТИЁР ИХТИЁРОВ ҲОЗИР ҚАНДАЙ ИШ БИЛАН МАШҒУЛ?**

● **ЯНГИ РУКН: ПАНЖАРА**
Ўғри, муттаҳам ва каззоблар «фаолияти»дан хабарлар.

4-БЕТ

● **СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН**

«Шошманг, домла! Чекиб олайлик. Донасини 500 дан олганмиз бунини!..»

7-БЕТ

● **«АМЕРИКА — МАККАЖУ-ХОРИ ДАЛАСИ»**

Кўчада пиёда кетаётган одамни кўришса «машинаси бузилиб қолгандир» дейишади.

КЕЙИНГИ

НОРМУРОД МУСОМОВ:

МАРОДОНАГА ОТИЛГАН УҚ ЭСКОБАРНИ ҚУЛАТДИ



МУРОДЖОН ҚОДИРОВ:

ТУҒМА . ОҚСОҚЛИКНИ ДАВОЛАБ БУЛАДИМИ?

САНДРА: «ОМАДСИЗ МУВАФФАҚИЯТ БУЛМАЙДИ»

СОНЛАРДА:

СОНДА:

«Оила ва жамият» 25(148)

Бир куни

Етти кун

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...

Туш пайти. Куёв ерни ҳаддан зиёд қиздирарди. Энди ухламоқчи эдим, отам чақириб қолди ва экинларни суғориш учун сув очиб келишни буюрди. Эринибгина бизнинг уйимиздан 200 метрча наридаги ариқ бошига йўл олдим. Шу пайти қаердандир бир кишининг йиғиси эшитилди. Ариқ бошига яқинлашганим сайин йиғи кучаярди. Бу аёл кишининг йиғиси эди. Аёл ачиқ ва қаттиқ йиғларди. Кўнглим эзилгандек бўлди, чунки аёл кишининг бундай ачиқ йиғисини биринчи бор эшитишим эди.

Унинг нима учун йиғлаёт-

ганлигини билиш мақсадида йиғи чиқаётган уйга яқинлашдим ва секин ўзимни кўрсатмай ҳовлига мўраладим. Аёл ҳовлида эри билан уришаётган экан. Эри ачиқ устида аёлни аёвсиз калтаклар, бўралатиб сўкар, аёл дод солар эрининг бир сўзига икки сўз айтиб қарғар, эрининг яна ачиғи чиқиб хотинини калтакларди. Шу пайт ичкари уйдан ёшгина уч нафар бола кўзини уқалаб (уқлаб ётишган бўлса керак) чопиб чиқди ва йиғлаб отасига тармашди. Эри калтакларни ҳам бақириб сўкар, лекин уларга қўл кўтаролмас эди. Кайфиятим бу-

зилди, чунки бундай воқеани биринчи бор кўришим эди. Ҳатто, бориб ажратмоқчи ҳам бўлдим. Лекин журъат этолмадим.

Айбдор ким, нима учун қарғак ўз аёлини уряпти, ачиб келдимикан, аёл ҳам эрини қарғамай бир сўз билан қолсачи?.. Уша кез келимдан кечган бу саволларга жавоб топа олмадим. Энди улғайиб аёлини кўриб, қарс чиндан ҳам икки қўлдан» чиқар экан.

Равшан МАҲМУДОВ,
ТошДД толиби.

САЙРМИ Е...

МАҲАТМА ГАНДИ
13 ЁШДА УЙЛАНГАН

Ҳиндистонда балоғат ёшига етмаган йигит-қизинигина эмас, балки болаларнинг никоҳ тўйлари нишонланиши ҳам ажабланишли ҳол саналмайди. Ваҳоланки, қонунан бундай тўйлар ман қилинган. Лекин қонуни қонунигича, ота-боболардан давом этиб келаётган урф-одатлар эса расм-русумлигича қолиб келмоқда.

Ҳиндистонда, асосан Ражастан штатида кенг тарқалган болаларнинг никоҳ тўйлари пинҳона эмас, балки жуда катта дабдаба билан, баъзан қишлоқ ва туман ҳокимлари, кўзга кўринган давлат идоралари ходимлари, полиция бошлиқлари, ҳатто қонунишунос адвокатлар иштирокида ўтади.

Жодхпур шаҳрида шундай тўйларнинг бирида меҳмон бўлиш насиб қилди. Ҳовлига киргунча бўлган тор кўчанинг икки томонидagi девор гулчамбарлар, турли рангдаги электр лампочкалари билан безатилган. Унча катта бўлмаган ҳовли байрамона лиқослардаги ёшу қари билан тўлган. Ҳовли марказидаги

супача устида беш-олти киши «никоҳ» маросими ўтадиган жойини безатиш билан машғул. Ҳовлига кириш жойида уч-тўрт ижрочи табла сурнайда куй чалишмоқда. Зар чопон, зар салла ўраган «куёв-тўра»ни саҳнага етаклаб чиқишди. «Куёв»нинг ёшлари беш-олтилар атрофида. Сўнг қип-қизил «сарри» кийинган уч-тўрт яшардаги «келин-пошша»ни келтиришди. Келин нимагадир инжиқлик қилиб турганини кўриб:

— Келин тўйга норозими дейман, хафа кўринадми! — сўрайман ҳамроҳим Жағдиш Чавладан.

— Эй қўйсангизчи, ҳали бола-ку — дейди у кулиб. Сўхбатимизни эшитиб турган меҳмонлардан бири тўшунтира кетди:

— Келди-кетди тўполонда «келини» ичкари хонада уқлаб қолган экан, домла келгач уйғотиб чиқишга мажбур бўлишбди, уйку чала-да, инжиқлик сабаби ҳам шундан. Домла Ҳиндистонда мўқаддас саналган «Вед»лардан «мантр» парчалар ўқигач: — Қани энди шу оловин

айланиб чиқинларчи, кейин музқаймоқ-ҳолва бераман, — деди.

Домла гапини тугатиб ҳам улгурмаган эдики, «келини» бошидаги «сарри»сининг пешини юлиб отиб, уввос, солиб йиғлай бошлади. Бундай вазиятда ўзининг қандай тутишинини билмас экансан. «Куёв», «Келин»нинг қўлидан тушиб кетган ширинликни олиб қўйган экан.

Ҳиндистоннинг Ражастан штатида бундай тўй ҳар бир оилада бўлар экан. Бу удум нафақат ҳиндуларда, балки, ҳинд мусулмонлари орасида ҳам кенг тарқалган экан.

Андхра-Прадеш штатининг Ҳайдаробод ва Биҳар штатининг Музаффарпур шаҳарларида ҳам шундай тўйларнинг гувоҳи бўлдим. «Болаларнинг никоҳ тўйлари» Ражастан штатида истикомат қилувчи Бхила Мина, Луҳар, Мехрат, Чаухан каби қабилалар орасида кенг тарқалган. Ражастан йўлларида чиройли гуллар, матолар билан безатилган трактор, ёнғил ёки юк ташувчи машина, ҳатто ҳўкиз қўшилган ара-

ТАФТИШЧИ УСТИДАН ТАФТИШ

Термиз шаҳар молия бўлими тафтишчиси Н. Д. кайф устида «Юбилей» деҳқон бозорига кириб борди. «Ҳўкми»ни у ерда ул-бул сотиб ўтирган аёлларга ўтказди. Бир неча қўти сигарет ва пулларини зугум билан ўзлаштирди-да, ортга қайтди... Аммо, акаҳонимиз вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимларига «жиндай» тутилиб қолди. Шунда ҳам паст кетмай, Солиқ бошқармаси бошлиғига дўк ура бошлаган тафтишчини ходимлар вилоят наркалогия диспансерига лутфан таклиф этишди.

Шу ердагина тафтишчи, кайфи таркагач «эркалик қилиб» қўйганлигини англади.

ЁМҒИРДАН ҚОЧИБ ДЎЛГА

Ҳар хил қинғир йўллар билан пул топишга иштиёқмандлар ўрчиб бораётган бир ҳолатда, қонуний савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлар ҳам учраб туради. Аммо, миш-мишларга қараганда, улар орасида бахиллик касали тарқалиш хавфи бор.

Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси ана шу касалликка дучор бўлган кўплаб ҳўқуқий шахслардан 1 миллиард сўм-купон қўшимча солиқ ўндириб, уларни даволади-қўйди. Бундан ташқари, «ёмғирдан қочган» 452 фуқаро дўлга дуч бўлди, яъни қонунни бузганлиги учун ўз чўнтагидан 46 миллион сўм-купон жарима тўлади, деб хабар беради Сурхондарёлик мухбиримиз Маҳмуд Абдулфайз.

ҚОНУННИНГ БАҒРИ КЕНГ

Америкалик Мария Вьер исмли 21 ёшли қиз Гулистон Давлат дорилфунунига ташриф буюрганига бир йилгина вақт бўлди. Бу мўддат ичиди хоним ўзбек тилини «сув» қилиб ичиб юборди. Марияхон ҳатто, бутун умр шу юртда яшаб, икки оғиз каломни давлат тилида эплаб айтолмайдиган русий-забонларга ҳам ўзбекча лутф қилиб, шошириб қўймоқда.

Ҳа айтганча, бу қиз дорилфунунда ташкил этилган тил марказида иштиёқмандларга инглиз тилидан сабоқ бериш учун келган.

ЯРИМ КЕЧАСИ

Термиз шаҳри, «Юбилейний» савдо дўконининг ойнасини синдириб, ўғирликка кирганлар воқеа устида ўшланди. Улар шу ерда яшовчи 12 ва 13 яшар икки бола экан.

КАМБАҒАЛНИНГ ТОВУҒИ ТЎЛКИГА УЧРАДИ

Жарқўрғон тумани Н. Боймуродов номли жамоа ҳўжалиги чўпони Жовли Бегимқўловнинг отини ўғирлаб кетишди. Шу туманлик 32 яшар фуқаро от ўғриси деб гумон қилинмоқда.

ХУДОНИНГ ИНОЯТИ

Самарқандлик табиб [Тойлоқ тумани, Эски Жума қишлоғи] Мўҳсин ота Муса ўғли мўъжизага дуч келгани рост экан. У топишга муҳассар бўлган, 100 йилда дунёда бир бор бўй кўрсатадиган меҳриғиё ўсимлиги, айни пайтда кўплаб кишиларга қувонч улашмоқда.

Табиб бобо ҳудо берган неъматдан бепуштарни даволаб бўлади демоқда.

ШАРОФ ОТА НОМИ ОЗАРЛАР ЮРТИДА

Шароф Рашидов Халқаро жамғармасининг дунё миқёсида нуфузи яна бир қарра ошди. Яқинда Боку шаҳрида жамғарманин Озарбайжон бўлими очилди.

93 МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

валарда «келини»-«куёв»ларини кўриш мумкин. Маҳаллий тилда куёвини «биндража», келинини «биндани» деб атайдилар. Энг қизғини, бундай никоҳлар учун кўп бош қотириб юрилмас экан. Бирор жойда икки эркак ёки икки аёл гаплашиб туриб бирор фикрга келиб қолишса бўлди, фарзандларининг никоҳ тўйлари ўтказилмаверди. Йиллар ўтиб, икки ёш балоғат ёшига етиб-етмай турмуш қуришлари шарт. Уларнинг бир-бирларини севвиш-севмасликлари, соғлом ёки беморликлари ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Маросимдан қайтар эканмиз, қишлоқ оқсоқолларининг биридан бундай тўйларининг боиси нима, болаларини ёшликдан унаштириш қонунан ман қилинган бўлса, мантиқан зарарли бўлса бундай тўйлар уларнинг ҳаётига зомин бўлиш эмасми! — деб сўрайман.

— Бу удум ота-боболарни-

миздан қолган. Фарзандини уйлаш ёки турмушга чиқариш ҳар бир ота-она олдидаги фарз. Бу фарз қанчалик тез адо этилса, шўнчалик яхши. Ҳиндистон доҳийси Маҳатма Ганди Кастурба хонимга уйланишларида 13 ёшда эдилар... 1981 йилдан шу йилгача бўлган болалар никоҳ тўйларининг давлат томонидан олинган тахминий ҳисоби билан танишдим. 1981 йилда бундай тўйлар сон 20 минг деб қайд этилган бўлса, 1991 йилга келиб 100 мингдан ошиб кетибди. Ҳиндистоннинг 1978 йилдаги «Оила кўриш қонуни»га кўра йигит-қизларнинг турмуш қуриш рухсат этилган ёши 21 ва 18 деб кўрсатилган бўлиб, ундан олдинги никоҳлар учун қаттиқ чора кўрилади ва жарима тўланади, деб айтилган. Лекин бу қонуни қозғоғда қолиб кетмоқда.

Аҳмаджон ҚОСИМОВ,
Деҳли — Тошкент

Ким, қаерда?

Панжара

БОШ ҚАШИШГА ҲАМ ВАҚТ ЙЎҚ

Мамлакатимизда Бахтиёр Ихтиёровни билмаган, танимаган киши топилмас керак. Яқин-яқингача телевизион миниатюралар театрида, радионинг «Табассум»ида ва кино экранларида у кишини тез-тез учратиш турарди. Негадир сўнги пайтларда Бахтиёр ака бироз жимигандек. Бунинг сабабини билиш мақсадида актёр билан учрашдик. Сўхбатимиз бор-йўғи уч минут давом этди.

— Ука, доимгидек бош қашшига ҳам вақт кам, — дея гап бошлади Бахтиёр ака. — Ҳозир Жумҳурият Театр арбобларининг уйи қошидаги Актёрлар уйида директор бўлиб ишлаяпман. Ишлар кўп. Ҳозирча ижодий ишларим асосан кинода. Аммо вазифам бўйича бажаришим лозим бўлган ташкилий ишлар ҳам бир одам учун етарли.

— Мухлисларингизга қачон экран орқали учрашишни ваъда қилаоласиз?

— «Нариги дунёдан келган ҳазилча» сценарийсини тугатдик. Бу ўртада кинога ҳам тушдим. Омонлик бўлса яқин кунларда учрашиб қолармиз.

— Айни кунларда нима иш билан машғулсиз?

— Меҳнат таътилимдалигимдан фойдаланиб мазза қилиб футбол томоша қилаяпман. Жуда зўр бўляпти. Аммо Мардонанинг четлатилганига жуда ачинапман. Менга қолса Бразилиянинг чемпион бўлишини истардим. Аммо бу нарсалар бизнинг ҳоҳиш-истагимизга боғлиқ эмас-да...

— Ўзбекистон футболининг ҳам шухрати дунёга ёйлармикин?



— Ёйлади. Лекин футболимизни дарди кўп, худди театрники сингари. Кейинроқ, вақт топсак, бу мавзуда бафуржа гаплашармиз...

Шундай деб Бахтиёр Ихтиёров шошганча жўнаб кетди.

Ботир ЭРНАЗАР тайёрлади

КИССАВУРЛАР ДИҚҚАТИГА

Яқин кунлардан бошлаб ҳар бир шаҳар ҳудудидagi автотранспортда жиноят-қидирув ходими юрибди. Эҳтиёт бўлинг! Ҳатто, бу нарса ўзининг тезкор натижаларини берапти. Сирғали туманида, ҳаракатдаги троллейбусда, 1934 йилда туғилган фуқаронинг орқа чўнтагидан 1.500 сўм-купонини ўмараётган бир вакилнинг қўлга тушди.

Ҳозир панжара ортида ўтирган бу эгриқўл, жиноят-қидирув ходимлари фуқаро кийимига ҳам юриши мумкинлигидан сизларни огоҳлантирмақда.

ТАКСАФОН МУЗЕЙИ

Кеч соат 9 ларда С. Раҳимов туман ИИБ вакиллари Қорақалмиш даҳасида, кўчада ишлаб турган таксафонни ўғирлаб кетаятган ўғрини далилий ашё билан ушлади. 24 ёшли таксафон ишқибози — Р. В.нинг гувоҳлик беришича, ёшлигидан телефон аппаратларига қизиқар ва ўз уйида ҳам таксафон бўлишини орзу қилармиз.

Бошқарманинг катта терговчиси Д. Бимирзаевнинг айтишича: ўғирланган таксафонга 250 минг сўм-купон нарх қўйилган ва ўғрига нисбатан жиноий иш қўзғотилган. Қизиги шундаки, Р. В. жанобларининг уйдан яна бир неча ичак-чавоғи ағдарилган таксафонлар топишган...

ҚАДРДОНЛИК «ҚИТАК- ҚИТАК»ГАЧА...

Пойтахтнинг Чилонзор туманида яшовчи икки дўст «қаттак-қиттак» отишганидан сўнг, о-о-о-гина келишмай қолишди. Узоқ тортишиб ўтиришмади. Яқин дўст-да, бир-бирини дарров тушунишди... 1975 йилда туғилган К. Ж.нинг бир гапига қиематли «дўст», 1972 йилда туғилган Г. Н. пичоқ билан жавоб бериб қўяқолди. Эўрарон қўлга олинди. «Қадрдон»ларнинг жанжал сабаблари ўрганилмоқда.

«ЎНАР»И БОШИГА ЕТДИ

1973 йилда туғилган, Юнусобод туманида яшовчи Р. Э. истаган уйининг қалитини ясашни қояй қиларди. Ҳеч қаерда ишламайдиган бу ўғрибачча, яқинда қўшин уйга ўғриликка кирдию, шарманда бўлди. У, ўзи кутмаган ҳолда уй эгаси билан тўқнаш келиб қолди. Ўғрилиб қочмоқчи бўлган ўсмирнинг тагин омади чопмади. Остонада уни ИИБ ходимлари кузатиб туришган экан.

ТОШКАНГА САЙР

Қашқадарёлик бир жанобда Тошканга саёҳат истаги туғилди. Ўз юртидан шартта бир енгил машинани ўғирлади-да, «ҳай-хув» деб, Тошканга босди. Афсуски, шаҳарни тўлиқ айланолмади. Ҳамза туманида машинани ўғирлатиб қўйди.

Алахонимиз «жабрланувчи» сифатида юрак ютиб, мелисага хабар қилди. Бунинг қарангки, машина шаҳарни сайр қилиб юрган бухорилик жанобнинг тагидан топилиди.

ЎҒРИ —

ЕСТИҚДОШИ ЭКАН

Тошкент шаҳрида, хонадонлардан бирига тушган ўғри 4 миллион 560 минг сўм-купон пулни ва 35 литр пахта ёғини идиши билан 5 та чойшабга ўраб, «шимо» қилиб кетди. Қидирув ҳаракатлари натижасида маълум бўлдики, ўғри хонадон эгаси — бева аёлнинг собиқ эри экан.

Бека ярим умрини ўғрига бағишлаганини сезиб, нақ ҳушидан кетаёзди.

ВАСИЯТГА АМАЛ

Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими ходимлари 23 ёшли Э. З.ни ташмачиликда айблаб, қўлга олишди. Йигитча бир неча давлат идораларидан телевизорларни олиб кетиб, қайтариб олиб келмаган.

Э. З.нинг эътирофи эътишча, бу одат унга ота мерос экан.

ЯНГИ ҚОРОВУЛНИНГ ТАЖРИБАСИЗЛИГИ

Воқеа ярим тунда, Тошкент шаҳар қўрилиш ташкилотларидан бирида содир бўлди. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб 42 та икки ярим метрли темир қувурларни машинага юклаётган шахс мелиса қўлга тушиб қолди. Дастлабки терговдаёқ, нолок шахснинг қимлиги аён бўлди. У шу ташкилотнинг янги қоровули экан.

ОЛҒИР ОШПАЗ

Жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан, Тошкент шаҳридаги Тўқимачилик қўшмакитидан 40 метр тайёр маҳсулотни ўғирлаб чиқиб кетаятган ошпаз қўлга олинди.

Эртаси кун қўлга тушган яна бир ташмачининг нафиси эса, бутунлай ҳақалак отиб кетган экан. У 300 метр газламани ўмариб чиқаятганда ушланди.

СОМОНХОНАГА ҚОЧАЁТГАН БУЗОҚ

Юнусобод туманида машина ўғирланди. Аммо, машина яп-янгиги бўлишига қарамай, ўғри у билан узоққа боролмади. Тезда узоққа тушди. Ҳозиргача терговда аниқланган энг муҳим маълумот шуки, «ўғригина бол» ҳам барча ўғирлар сингари ҳеч қаерда ишламас экан.

ТАҲРИРИЯТДА: Табиий, қимми қаллоблик, ўғрилик, қўли эгриликни касб қилиб олар экан, шубҳасиз уни «панжара ортидаги ҳаёт» кутади. Ушбу мазмундаги хабарларимизни «Панжара» рўқинда беришга қарор қилганимизнинг боиси шу.

Дастлабки хабарларни Тошкент шаҳар ИИБ матбуот хизмати ходими Мамраҳим МАМАЖОНОВ тайёрлаб берди. «Панжара» шу мазмунда сизлардан хат-хабарлар кутади, азиз муштарий!

ТҮЙЛАРДАН ЎЙЛАР КҮП

Хизмат тақозоси билан гоҳ-гоҳ никоҳ тўйларида бўлиб тураман. Бизнинг вазифамиз инсонларнинг энг яхши кунларидан бири бўлган тўйни узоқ хотирага — эсдаликларга тушириб беришдир.

Шаҳсан менга, бир хил қолипга тушиб қолган базмлар, зиёфатлар ўнчалик ёқмайди. Чунки ҳар ҳафта қатнашиб, кўравергандан кейин... Биз сураткаш, тасвирчилар ҳам тўйлардаги гўзал шарқона маросимларни чиройли қилиб суратга олиб беришчи яхши кўрамиз. Аммо баъзи тўй-

ларимизда оварўпача урф-одатларнинг ўс-туңлиги ҳам сезилиб туради. Масалан, келин-куёв ва уларнинг дўстлари шампан виносини йўлнинг устида ичишадую, бахт учун деб қадаҳ ва шишаларни асфалтга уриб синдиради. Сўнгра эса атрофдаги дўстлар «горка-горка»лаб қолишади. Кейин бу ҳам етмаганидек мусулмончасига никоҳдан ўтиш учун маст ҳолатда маҳалтага боришади. Қарабсизки, муқаддас даргоҳни ҳам булғашади. Афсуски, ёшларга жўяли бир маспахат

бермоқчи бўлиб уринсангиз, сизни янада ёмон кўришади.

Ҳар бир миллатнинг маросими, урф-одатининг маънавий қиефа-

сини белгилайди-ку. Демак, бу маънавий қиефамизни ҳаёт кўзгусига ҳам солиб туриш керак-да, ахир.

Собит МУСАЕВ



«Оила ва жамият» 25(148)



Мамлакатнинг матбуот нашрлари сигарета тарғиботида баъзан саҳифалаб жой ажратишаётганликларини, ёки телеэкран орқали шу турдаги тарғибот-курсауларнинг авж олиб кетганлигини қандай тушуниш мумкин?

ФАКТ

Перу телевидениесининг ўн биринчи канали кўзда тутилмаган вақтда чекишни тарғиб этгани учун 1700 доллар жарима тўлайдиган бўлди. Мамлакат қонунларига асосан бу ерда кучли спиртли ичимликлар ҳамда сигареталар кечаси соат 22⁰⁰ дан тонги 6⁰⁰ гача реклама қилиниши мумкин. Бироқ, ўн биринчи канал сигарета тарғиботини 21⁵⁰ да, яъни белгиланган муддатдан 10 минут олдин бошлаб юборган эди.

ФАҚАТ ЗИЁН ВА ЗАРАР

Чет эллик шўфокорлар чекишни XX аср ўлати деб аташади. Бунга тўла асос бор. Чекиш соғлиқнинг пугурдан кетишига ҳамда доимий сигаретага мурожаат қилиш эҳтиёжидан келиб чиқадиган ноқулайликларга олиб келади. Чекиш кашанда онгига шу да-

Умри давомида кашанда 2 кг никотин ютади. Бу миқдор 20000 кишини ўлдирадиган даражада захарлашга етади. Тутун қанчалик чуқур ва тез-тез ичга тортилса, ҳамда ўпкада узок ушлаб турилса, у шунчалик миқдорда кўп никотин ютади.

Чекувчиларда меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси чекмайдиганлардаги нисбатан 3-4 баравар кўп учрайди. Бундан ташқари кашандаларнинг миокард инфаркти ва стенокардия билан хасталаниши ҳам чекмайдиганлардаги нисбатан 12-13 маротаба кўп учрадиган ҳолатдир. Агар чекмайдиган сигареталар сони йилига 38 қутига етса, тожтомирларнинг бир тармоғи қон ўтказмайдиган бўлиб қолади. Йилига 67 қути, яъни ойига 5,5 қути сигарета чекадиган кишиларда коронар томирларнинг ҳар учала тармоғи захарланади. Бундай вақтда миокард инфаркти хаффи кучли бўлади.

Чекилган хонадаги тутаб битган сигарета тутунининг 2/3 қисми атрофга тарқалиб, уни никотин, қатрон ва бошқа зарарли моддалар билан ифлослантиради. Тутуннинг одамларга кўрсатадиган бундай зарарли таъсири безовта бўлишга арзигулик асос бўлади.

ФАКТ

АҚШ бош врачси Жойселен Элдерсининг баён этишича, никотинни наркотик деб ҳисоблаш учун етарли асос бор. Ҳар йили 435 минг киши чекиш оқибатида ҳаёт билан видолашади. Шу боис бундан буён тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни АҚШ федерал органлари қатъий назорат остига олишлари керак. Чекишга қарши курашдаги биринчи тадбир, матбуотда ва телевидениеда сигарета рекламасини мутлақо таъқиқлашдан иборат бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайди Элдерс хоним.

ТАКЛИФ

Шу ўринда Элдерс хонимнинг талаби бениҳоя ҳаққоний эканлигини инобатга олиш лозимдир. Назаримизда, оммавий ахборот воситалари тарқатаётган сигарета тарғиботини тўхта-тиш, сигареталарнинг кўча-кўйда оммавий сотилишини таъқиқлаш, сигарета савдоси билан шугулланиш ҳуқуқини маълум савдо ташкилоти зиммасига юклаш зарур. Айниқса, балогат ёшига етмаган болаларнинг сигарета савдоси билан шугулланишини мутлақо таъқиқлаш керак.

ХОТИМА ЎРНИДА

Хулоса қилиб шунини айтиш керакки, чекиш — соғлиқнинг асл душманидир. Халқ учун эса, ИЛЛАТ, УЛАТ, ҲАЛОКАТДИР. Демак, бундан қанча тез фориг бўлсак, шунча ютамыз. Нархи тобора юқорилаб бораётган сигаретага сарфлайдиган пулини кашанда оиласига, бола-чақасига ишлатса, бунинг нимаси ёмон! Шундоқ ҳам соғлиқини йўқотган ҳавомизни бундан-да булғамаслик, ўзимизни ва ўзгаларни захарламаслик учун баравар курашсак бунинг нимаси ёмон!

Ушбу мақола шу мавзудаги чиқишларимизнинг бошламаси, ҳолос. Биз бунга ҳали кўп бора қайтамыз. Муштарийларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари битилган хат ва мактубларини кутамиз.

Икром ИСКАНДАР тайёрлади

Соғлом авлод учун

«ДОНАСИНИ 500 СЎМДАН ОЛГАНМИЗ!..»

«ЭНГ АВВАЛО ЧЕКМАСЛИК КЕРАК.» ПЕЛЕ

Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» дея эълон қилинган умумхалқ ҳаракати келгусида ўзининг ижобий самараларини беришига шубҳа йўқ. Бунинг учун ҳозирда бажарилаётган ишлар ишончли замин бўлади. Аммо, назаримизда масаланинг бир томони-га анчайин суст эътибор билан қаралмоқда. Биз нафақат яхши фазилатларимизни келажак авлод учун сақлаб қолишимиз, аини вақтда, барча қусур ва зарарли одатларимиздан умуман қутулишга интиломимиз даркор.

Жисмоний ва ақлий баркамолликка етишувда инсон организмизда ҳалокатли таъсир этувчи иллатлардан бири, шубҳасиз, чекишдир. Биз юрт ва келажак авлод соғлиғи-насл тозаллиги ҳақида қайғурар эканмиз, албатта чекишга қарши муроасиз бўлишимиз керак.

ФАКТ

Бир ўқитувчи ҳикояси: «Дарсга кирсам, ўғил болаларнинг анча қисми йўқ. Ташқарига чиқсам, бинонинг бурчак томонига тўпланишиб турган экан. Мен уларга тезда дарсга киришни буюрганимда, уларнинг жавоби мени эсанқиратиб қўйди: «Шошманг, домла! Чекиб олайлик. Донасини 500 дан олганмиз бунинг...» Улар сигарета чекишаётган экан.

Улар мендан ҳайқимай, яширмай чекишга сабаб, мактаб директорининг (!) ҳам улардан баъзида сигарета олиб туриши экан...

МУЛОҲАЗА

Хўш, болаларнинг ҳали балогат ёшига етмай туриб чекишга ружу қўйишларига нима сабаб бўлмоқда? Рухшуносларнинг таъкидлашича, ҳам ижобий, ҳам салбий ҳиссиётларга берилувчанлик ўсмирларга хос хусусиятдир. Айнан шу нарса болаларда катталарга тақлид, эркин бўлишга интилиш, ҳар бир яхшию-ёмон нарсани синая кўриш истагини тугдиради. Тақлид эвазига улар кўпинча бемаъни одатга ўрганиб қоладилар. Масалан, чекишга ўрганган ҳар юзта боладан 60-70 нафарининг уйда ёки даврасида кимдир чекади.

Бугунги кунда болалар ва ўсмирлар ўртасида чекишнинг оммавий тус олаётганлигига асосий сабаблардан биттаси, бизнингча сигареталарнинг оммавий тарзда сотилаётганлигидир. Мамлакатимизда савдо-сотиқ билан шугулланаётган ўсмирларнинг кўпи сигарета сотиш билан машғул.

Бундан ташқари, юртимизда чекишнинг болалар ва катталар ўртасида кенг тус олиб бораётганлигига биз матбуотчилар ва телерадиокмпания ҳам муносиб «улуш» қўшапмиз.

ражада ўрнашиб қоладик, оқибатда у ҳар қандай ҳаяжонланиш, фикрлаш, мулоҳаза юритиш давларида беихтиёр сигаретани кўлга олади. Чекишга ўрганган одам чекмаса туролмайди. У, сигаретасиз ўзини йўқотиб қўяди, маънавий қаратх, ички дунёси бўш бўлиб қолади, ўзини ҳамиша дадилликдан маҳрумдек сезади.

Тамаки тутуни таркибида 300 га яқин зарарли моддалар бўлади. Тутуннинг энг зарарли қисми бўлиши никотин оғиз бўшлиғи ва бронх шиллиқ қаватларига яхши сўрилиб, қонга ўтади. Бош айланиши, қўнғил айнаши, сулак оқиши, безовталаниш, бўшашиш, юракнинг тез-тез уриши, рангнинг оқариши никотин билан захарланишнинг энгил аломатидир, ҳолос.

Тамаки таъсирида кўриш, эшитиш қобилияти бузилади. Чекиш асаб системаси билан боғлиқ турли касалликларни оғирлаштиради. Кўп ҳолларда эса, оғир ногиронликка олиб боради. Бундан ташқари, чекиш жинсий қувватга салбий таъсир кўрсатади. Аёл кишининг чекиши эса, насл учун доимо хавфли бўлади.

Умуман олганда, тамаки тутуни кашанда организмизда ҳокими мутлақ бўлиб олади. У ҳар бир аъзога таъсир кўрсатади. Бу таъсир алапоқибат инсон танасини рамакижон ва яроқсиз бир аҳволга солиб қўяди.

Аксарият одамлар учун сигарета ноҳуш ҳаёллардан жалғитувчи, аслида эса, дўст қиёфасига кирувчи душмандир. Кашанда чекар экан, гўё ўзини бошқа дунёда юргандек сезади. У, бўрилиб чиқаётган тутунни завқ билан томоша қилади. Агар бу пайтда чекувчининг кўзи боғлаб қўйилса, чекишдан у тулиқ лаззатланомай қолади.

Илмий адабиётларда таъкидланишича, чекиш ва кашандаларнинг маълумот даражаси, касб-хунари орасида тафовут бор. Масалан, маълумоти бир хил, аммо касби турлича бўлган ёшлар текшириб кўрилганда, кашандалик техник ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари орасида 47 фоиз, завод, фабрика, транспорт ва қурилиш ишчилари орасида 55 фоиз, ақлий меҳнат кишилари орасида 33 фоиз эканлиги аниқланган.

80—120 мг (1-2 қути сигарета) никотин чекмайдиган катта ёшдаги эркак учун ўлдирувчи миқдордир.



Ханифа ХАЛИЛОВА:

РУҲИНГИЗ ТОЗА БЎЛСА,
УЗОҚ ЯШАЙСИЗ

— Ҳар гал кўчага чиқиб, одамлар оқимиға қўшилиб кетарканман, бир нарсани ўйлайман: кейинги вақтда одамлар негадир асабий бўлиб боряпти? Бунга нималар сабаб бўлаётган экан?

— Тушундим. Айтганингиздай ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳам айнан мана шу — бош мия қон томир

касалликларидир. Бу касалликнинг олдини олиш чоралари борасида бутун дунё неврологлари тинимсиз иш олиб боришапти. Кейинги 4-5 йил давомида етакчи олим ва мутахассисларимиз бошчилигида Республикаимизнинг турли вилоятлари, жумладан Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Сирдарё вилоятларига бориб беморларни

ялли кўриқдан ўтказдик. Чуқур текшириш, муолажаларга муҳтож беморлар учун Республика илмий асаб касалликлари марказига йўланмалар бердик.

— Ханифа опа, бозор иқтисодиёти даврига ўтиш шароитида ўзингизга маълум кўпгина даволаш муассасалари ҳужалик ҳисобиға ўтишган.

— Йўқ. Биз бундан холи. Беморларни бепул йўланмалар асосида даволаймиз. Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда асаб касалликлари бирмунча кўпайди. Ўзингизга маълум давр ўзгариши албатта, қийинчиликларсиз бўлмайди. Асаблари мустаҳкам одам эса бўлар-бўлмасга асабийлашавермайди.

Ҳозирги пайтда аҳолининг ярми уйқусизликдан нолишади. Бунга кўп ҳолларда оилада бўлиб турадиган жанжаллар, иш жойидаги носоғлом муҳит ва ортиқча ҳаракатлар сабаб бўлади. Шунингдек, кечқурун истеъмол қилинадиган таом ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сут, қатиқ, гўшт, балиқ, тез ҳазм бўлиб, ухлатувчи моддалар ҳосил қилади. Бир хил маромда секин айтилган қўшиқ, яхши ҳордиқ мия пўстлоғидаги барча марказларнинг тормозланишига олиб келиб кишини тинч ухлатади. Еш болаларни алла айтиб ухлатиш ҳам шунга асосланган. Ота-оналарнинг асаблари, айниқса оналарнинг ҳомиладорлик пайтидаги ночорлиги оилавий жанжаллар бефарқлик туғилажак болаларнинг соғлиғига путур етказиши. Оқибатда боланимжон, ақлий жиҳатдан заиф кам ҳаракат, бошлари катта бўлиб туғилади. Шунинг учун болани туғилишдан оқ вақтида ухлатиб, вақтида ўйнатиб, бешиғига тўғри белаш лозим.

Оила муқаддас маъво. Аввало оилада тинчлик, оёйишталикни ўрнатиш ота-онанинг бурчи. Шу боис ота-оналарга менинг икки оғиз сўзим бор: Болаларни гўдаклигиданоқ меҳр-шафқатли, ҳимматли қилиб ўстирайлик. Зеро, инсондаги тоза руҳ уни юксакларга кўтарган, узоқ яшатади.

— Аввалдан бизнинг Шарқда ети пуштигача суриштириб қиз беришган, ўғил уйлашган...

— Мен ҳам шунинг тарафдориман. Чунки қариндош-уруғларга қиз бериш, келин қилишлар, боласига таъсир этмаса ҳам боласининг боласига зарар етказишига, кўп ҳолларда боланинг ногирон бўлиб туғилишига сабаб бўлади.

Чоршанби ХУДОЕВ
тайёрлади

Дераза

МАДОННАДАН КАМ
БЎЛМАЙСИЗ

Бунинг учун сиз ўз эҳтиёжингизга Мадонна сингари йилига 1289385 марка ажратсангиз бўлди.

Мадонна пардоз-андоз учун 138 минг марка, еб-ичишига 262000 [фақат вегетариан овқатлар], кийим-кечакка 555825 [Мадонна бир йилда 52 та янги қўйлак харид қилади] ва ичимликлар учун 1245 марка [у фақат минерал сув ичади] ажратади. Сартарошига 960, сумкача олишга 6150 марка сарфлайди. 63300 марка пой-абзалга кетади — Мадонна йилига бор-йўғи 100 жуфтча махсус бюртма бўйича тайёрланган пойабзал кияди. Қоматни сақлаш учун бажариладиган жисмоний машқларга 46800 марка сафрланади.

ЖЕК НИКОЛСОН ЎЗИНИ
ЙЎҚОТДИ

Этель Мэй Николсоннинг Нью-Йоркда чиқадиган журналлардан бирида (ўлимидан сал олдин) эълон қилинган мақоласи Жек Николсоннинг ҳафсаласини пир қилди. Негаки, мақола муаллифи ўзининг Жекка она эмас буви эканлигини айтган эди. Илгари бундан беҳабар бўлган афсонавий Жек Николсон «Эрка-той катта опам» деб юрган Жун унинг ҳақиқий онаси экан.

Жун 16 ёшида ҳомиладор бўлиб қолган. Николсонлар оила шаънини деб бу сирини ошкор қилмаган.

УЛАР ҲАЛИГАЧА БИРГА

Ҳолливуд юлдузларидан бири Алек Болдуин жудаям омадли йигит. Яқинда у ўзининг ўнинчи «Ашулачи аёл ва миллиардер» фильмига 1,5 млн доллар ҳақ олди. Хонимлар ва жаноблар, барча продюсерлар, умуман ҳамма унинг атрофида гирдиқалалак. Дарвоқе, Алек 33 ёшда, уйланмаган.

Алек Болдуиннинг «муҳаббат»га тоби йўқ. У 1990 йилларда Ҳолливуднинг яна бир кино юлдузи — эри билан ажрашган Ким Бессенжер билан суюшиб қолган эди. Шундан буён уларнинг ишқий қиссаси давом этмоқда. Лекин ҳалигача никоҳдан ўтишга журъат этганича йўқ.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

1984-йилда Шаҳрисабздаги «Правда» номли ўрта мактабнинг 10-синфини тугатган азиз **СИНФДОШЛАРИМ!** Барчангизни шу сананинг ўн йиллиги билан муборакбод этаман. Оллоҳнинг ўзи сизларни ҳар ишда қўллаб, фарзандлар ва набиралар ўртасида мома-боболар бўлиб юришни насиб этсин.

Жамики эзгу ниятлар билан синфдошингиз

БОТИР
Тошкент шаҳри.

Муҳтарам онажонимиз **МАҲТОБ** ая!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий қутлаймиз! Оилангизга ҳамда ўзингизга соғлиқ, тинчлик, тотувлик ва бахт тилаймиз. Ўйлаган барча орзу-ниятларингиз ўшанишга тилакдошимиз. Фарзандлар, набираларингиз дорилмон кунлари билан яшаш

Сизни мудом тарқ этмасин. **ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ, НАБИРАЛАРИНГИЗ ва КЕЛИНЛАРИНГИЗ.**

Самарқанд вилояти.

Азиз
дадажонимиз
Абдулла
ХУРРАМОВ



Биз сизни муборак 45 ёшга тўлишингиз мүнсабати билан чин дилдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ-умр, тансиҳатлик тилаймиз. Халқимизга хизмат қилишда, таълим-тарбия беришда ҳеч қачон толманг. Бахтимизга доим соғ бўлинг, деб рафиқангиз Бўстон ИБДУЛЛАЕВА ва фарзандларингиз АБДУРАҲМОН, АБДУРАСУЛ, ШУҲРАТ, САРВАР, НИГОРА ва ҒОФИРБЕКЛАР Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани.

Ойдиной **ДИЛШОД** қизи! 10 июл — туғилган айининг муборак бўлсин. Қийканинг қалби каби жажжи қалбинг шодликларга тўласин. Сенга ҳаммашалик бахт тилаб қолувчи опаларинг **ЛОЛА, ШОИРА.**

Тошкент шаҳри,
Алгоритм маззеси

ОИЛА

37 ЁШДА

Сирдарёлик. Рўзгор ишларини жонидили билан севадиган, оғир-босиқ, турмушга чиқмаган муаллима қиз. Қалби пок, самимий, ҳаётини кенг тушунадиган [1-2 фарзанди бўлса ҳам майли] Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ёки Тошкентдан бўлган инсон билан оила қуриб, бахтли-саодатли бўлиш умидида. «Оила-328»га деб ёзинг.

25 ЁШДА

Тошкентда яшайман. 5 ёшли нуридийдам, ўғилчам

бор, турмушимдан вафосизлик туфайли ажрашганман. Табиатим: қувноқ, очикқўнгил, меҳрибонман. Уйлик, умр йўлдошига вафодор бека бўлиш, бола-чақаларимиз билан бахтли, тинч-тотув яшаш ягона орзу-армоним. «Оила-329».

20 ЁШДА

Қашқадарёликман. Маълумотиим ўрта. Қасбим-тарбиячи, турмушга чиқмаганман, шахсий уйим бор, меҳнатсевар, рўзгорим, бола-чакам дейдиган вафодор, меҳрибон, қувноқ, 24-28 ёшгача бўлган йигит билан танишиб оила қурмоқчиман «Оила-330».

МИННАТДОРЧИЛИК

Соғлиқни сақлаш вазирлиги. Тошкент шаҳри 1-Иккинчи шифохонаси хирургия бўлими шифокорларига чуқур миннатдорчилигини изҳор этаман. Шу ерда онам — Малика Қўшмонова, шифокор-

лар Уктам **ОРИПОВ**, Ирина **ПРОХОРОВА**, Муҳаммаджон **ИБОДУЛЛАЕВ** каби шифокорлар жонқуярлиги сабаб соғлиғини тиклади.

Илоё, қўлингиз дард кўрмасин, азиз шифокорлар!

Бахриддин **ҚУШМОНОВ**,
Жиззах вилояти.

Хусусий эълон

СОТАМАН

3 хонали квартира 2-қават. Ҳамза метроси ёнида. тел: 45-75-84

4 хонали квартира, Юнус-обод-8, тел: 34-19-92 16⁰⁰ гача

Сари-Отоҳ туманидаги 3 хонали (опхона, ҳаммом алоҳида), 1,5 сотих ҳовлиси бор, планли уйи 2 хонали квартирага алаштиришдан ёки сотаман. тел: 24-33-87 уй. 33-68-64 опхона



Мухиддин Тинибек. Самарқанд вилояти Қўшработ туманида туғилган. Ёши 29 да. Н. А. Семашко номидаги Саломатлиқни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институти аспиранти. Кўпдан буён Шарқ табobati масалалари билан шугулланади.

МИЖОЗ ДЕГАНИ НИМА?

Қадим-қадим замонлардан одамлар табиат ва ундаги ўсимликлар, жонотларнинг тузилиши, таркиби топиши қонуниятларини тушунишга ҳаракат қилиб келишган ва шу мақсадда изланишлар олиб боришган.

Диний китобларда Оллоҳ таоло одам ва бошқа жонотларни яратишдан аввал олов, ҳаво, сув ва тупроқни яратган, шуларнинг ўзaro ҳар-хил қоришувидан ўлик табиат (тош ва бошқалар) ҳамда тирик табиат (ўсимлик, ҳайвонот, одам) яратган, дейилади.

Табиат тузилишини аниқлашга ҳаракат қилган ilk олим Афлотун (Аристотель Милоддан аввалги юнон файласуфи 428—368). Бутун борлиқ олов, сув, ҳаво, тупроқнинг ўзaro (ҳар хил қоришмада) аралашувидан иборат, деб тушунилади. Кейинчалик Букрот (Гиппократ-Милоддан аввалги 460—355, йил юнон врач) бу қонуниятнинг барча тирик жонотлар, хусусан одам учун ҳам тааллуқли эканлигини айтган. Алоҳида одам характери,

тузилишидаги фарқ эса олов, ҳаво, сув, тупроқ унсurlаридан бирортасининг бошқаларга нисбатан устунлиги натижасидан деб кўрсатиб, одамларни 4 хил характерга бўлган ва ҳар бири учун даволаш усуллари ҳар хил бўлишини кўрсатиб ўтган.

Кейинчалик Жолинус (Гален 120—200 йил, Рим файласуфи ва врач) ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ҳар бирида шу 4 унсурдан қайси бирининг кайфияти устун эканлигини аниқлаб, бу ҳақда қимматли манба қолдирган. Ва нҳоят Абу Али Ибн Сино шу маълумотларнинг ҳаммасини жамлаб, мукаммал қомусий шаклга келтирган. У ҳар бир одамнинг болаликдан тортиб то қариликкача бўлган даври ичида эркаклар ва аёллар шу 4 та унсурдан қайси бири (қайси давр)да устун бўлишини аниқлаган ва унга мижоз деб ном берган.

Сино таълимотига кўра, жамики нарсалар 4 унсурдан тузилган бўлиб, бу 4 унсурнинг ҳар бири ўз хусусияти-

га эгадир. Ушбу хусусиятлар қуйидагича берилган:

Олов-иссиқ куруқ;

Ҳаво-иссиқ ҳўл;

Сув-совуқ ҳўл;

Ер-совуқ куруқ.

Бу 4 унсур бир-бирига нисбатан тез аралашувчан хусусиятга эга. Чунки бир унсур хусусияти иккинчи бир унсурда мавжуд. Масалан—ҳавода оловнинг иссиқлиги, сувнинг ҳўллиги

ўрнига пишиб етилиши ва қуритилиш жараёнида қуёшга тўйингани боис унда олов унсuri ошиб, у куруқ иссиқ кайфиятга эга бўлади.

Жисмлар мижози аниқланганда уларнинг совуқ, иссиқ, ҳўл куруқлигини бирор аниқ ўлчов билан ўлчаб бўлмайди. Фақат бошқаларга нисбатан қиёсан олинади. Бунга қуйидагича ўхшатиш бериш мумкин. Шимолий ўлкаларда яшовчилар совуқ ҳаво

бор. Сув ўз ҳўллиги билан ҳавони ҳўллайди ва ўз совуқлиги билан ерни совутади.

Ҳар бир жисм 4 унсурнинг ўзaro ҳар хил миқдордаги қоришмасидан тузилган ва улар ўртасидаги ўзaro таъсир шу жисм хусусиятини аниқлайди. Агар жисмда сув унсuri бошқаларга нисбатан устун бўлса, сув унсурининг кайфияти, яъни совуқлик ва ҳўллик шу жисм кайфиятини аниқлайди. Ва бу жисм совуқ ҳўл мижозли жисм деб юритилади. Айронда ва хом узумда сув унсuri устун бўлгани сабабли у совуқ ҳўл мижозга эга. Гуруч нон, зогора нонда эса ер унсuri бошқаларга нисбатан устун бўлганлиги сабабли у совуқ куруқ мижозга эгадир.

Унсurlар ўртасидаги мувозанат бузилиб бошқа бир унсур (кўпайиб) устун бўлиб қолса, жисм ўз хусусияти ва кайфиятини ўзгартиради. Мисол учун узум қуритилганда ундаги сув миқдори камайиб кетади ва совуқ ҳўллик кайфиятини йўқотади. Бунинг

деганда ҳарорати —5, —20°C бўлган ҳавони, илиқ ҳаво деганда +5, +10°C ҳавони, иссиқ ҳаво деганда эса +20, +25°C ни тушунилади.

Ўрта минтақада совуқ деганда —1, 0°C атрофидаги ҳавони, илиқ деганда +15, +18°C атрофидаги, иссиқ деганда эса +25, +35°C атрофидаги ҳавони тушунилади.

Экваторга яқин мамлакатлардаги одамлар совуқ деганда ҳарорати +5, +10°C, илиқ деганда +20, +29°C, иссиқ деганда +40°C атрофидаги ҳавони тушунилади.

Одам туғилганида албатта унинг иссиқлиги устун бўлиб, мижоз аста-секин сўна боради ва қариликда иссиқлик камайиб, совуқлик устун бўлади. Шунинг учун ёшлар қариларга нисбатан иссиқ мижозли бўладилар. Баъзан эса аксинча, қарилар ёшларга нисбатан иссиқ мижозли бўлишлари ҳам мумкин.

(Давоми бор)

Савоб

«ОҚ» ҚИЛИНГАН ФАРЗАНД

(Еҳуд Жумавой отанинг таваккали)

Энг сўнгги имтиҳонни топширдиму хаёлни чалғитиш учун истироҳат боғига йўл олдим. Боғнинг ичида хаёл уммониға шўнғиб, ширин армонлар билан энтикиш нақадар маза...

Сарҳадсиз хаёлларимни менинг рўпарамдаги скамейкада ўтирган отахон бўлди-қўйди. Унинг сергаллиги, атрофдагиларга насихатомуз муомаласи кишини ўзига тортмай қўймасди.

Ўзини Жумавой деб таништирган отахон гап деганини ҳам эзиб ичиворган экан. 60 ёшга бориб қолган бўлишига қарамай, анча дидил, тетик. Қиладиган ҳар бир ҳаракати худди ёш болаларникидай, дейсиз. Отахондан гап олиш учун секингина ёнига яқинлашдим. Унинг ёнида ўтирган бегона йигитлар эса бу дамда «эзма чолнинг чакаги қачон тинаркин» деб ўйларди, назаримда. Чунки истайсизми, йўқми унинг гапларини тинглашга мажбурсиз. Жумавой ота мен билан саломлашган, гап халтасини мен томонга очиб юборди. Бироқ отахоннинг бир ҳикояси менда катта қизиқиш уйғотди.

«Қашқадарёда анча йиллар темир йўл станциясида ишлаганман. Ўзим қозоқман. Қўшнилариمنىнг барчаси ҳам шу миллатга мансуб эди. Бир куни қўшнималаримдан бирининг қизи ўз севган йигит билан ҳай-ё-хўй деб қочиб кетибди. Яъни қиз олиб қочиш бўлибди. Қизиги шундаки ҳалиги қўшнимнинг орияти кўзиб, «отанинг юзига оёқ қўйган фарзанд билан бир умр гаплашмайман» деди. Ҳатто кечирим сўраб келган қудаларни эшигидан йўлатмади.

Орадан анча кунлар, ойлар ўтди. Бир томонда ота-она меҳрини қўмсаб фарзанд куйинса, иккинчи томонда жаҳл устида тўнини тескари кийиб олган ота ўртанарди. Ота бечорага ҳам қийин. Агар қизи билан ярашиб, ўртадаги зиддият тоғини қулатса эл-юрт олдида лабзасизлик қилгандай туюлади. Чунки у фарзандни «оқи қилган эди-да».

Буни турмуш деб қўйганлар, мушти бор. Худо кўрсатмасин бунақанги мушкул аҳволга ҳар қандай шароитда ҳам тушиб қолиш мумкин. Четдан қараб турсам маш-машадан иккала томон ҳам жабр тортаяпти. Таваккал қилдим-у, буларнинг орасига тушдим. «Отанг яхши, онанг яхши» деб ота-болани зўрга мурсасага келтирдим. Ҳар ҳолда кўп йиллик ҳаётий тажрибам панд бермади. Бўни қарангки, ҳозирда энг яхши қизи ҳам, энг яхши кўёви ҳам ўшалар бўлди.

Демоқчиманки, ҳар қандай савоб иш, олинган дуо умрингга умр қўшаркан».

Отахоннинг илиқ нигоҳи, беиминнат насихатлари телба хаёлларимни умр бекатларининг эзгулик, яхшилиқ деган тиллапояларига қараб олиб кетди...

Гуноҳ

ҚЎРҚУВ ИСКАНЖАСИДАГИ ҚИЗ

Бир куни дарсдан толиқиб чиқдигу, ўртоғим билан метро бекатига тушдик. Метронинг охириги бекати бўлганлиги сабабли, одамлар жуда гавжум. Ҳорғинликдан, турмуш таъшишларидан кишиларнинг юзига ўзгача бир кайфият. Гўёки метро кутдан бўлак ташвишлари йўқдй, одамлар барча нарсга бепарво. Қутилмаганда олдимизга чиройлигина кийинган, келишган қиз яқинлашиб келди. Кўзларининг бежо боқиши, танасининг қалтираб туриши бир қарашда сайёддан чўчиган оҳуга ўхшарди.

— Яхшимсизлар, қаерга борасизлар? — деб пала-партиш оҳангда сўради ҳалиги қиз.

— Биз Амир Темур бекатигача борамиз, ўзларидан сўрасак? — деди ўртоғим ҳозиржавоблик билан.

Қизнинг кўркув исканжасидаги жисми ва руҳи ифбат, ҳаё, ибо дея аталадиган нозик туйғуларни чилпаранг қилган шекилли, биздан ҳиз тортинмаётганди.

— Сизлар билан борсам дегандим, — деб ютинди нотаниш қиз ва давом этди. — Ортимдаги ўғри, безорини кўраёписизларми, анчадан бери таъқиб қилиб келаяпти.

Шундагина паришон нигоҳимиз биздан сал нарида турган турки совуқ безорига ва қизнинг бошқалардан ажралиб турадиган тилла зиракларига қадалди. Қиз бизнинг «ҳа» ёки «йўқ» деган жавобимизни эшитмасдан, шоша-пиша биз билан битта вагонга чиқиб олди. Мени бир нарса ажаблантирди. Қизнинг ҳаракатлари чинданимкин ёки сохта бир йўллар билан энди бизни ҳам қузата бошлаган турки совуқ билан «шантаж» қилишмоқчимикин.

Енимизда ўтириб кетаётган қиз тилла зиракларини ечиб сумкасига солдию, биз билан у ёқдан, бу ёқдан суҳбатлашган бўлди. Қиз ўзини эски шаҳарлик деб таништирди ва яқинда тўйи бўлмоқчи эканлигини таъкидлаб ўтди. Биз қайси бекатдан тушсак-да, уни таксига миндириб юборишимиз керак экан. Қизнинг илтимоси шундан иборат эди. Қизни таъқиб қилиб келаётган «алп» йигит ҳар ҳолда биздан чўчидими, «Чорсу» бекатига етган қорасини ўчирди.

— Сизларга катта раҳмат, менга беиминнат яхшилиқ қилдингизлар. Буёғига сизларни йўлдан қўймай. Ўзим секин чиқиб кетавераман, — деди қиз кейинги бекатда қутилмаган жасорат билан.

Бу воқеа кўз олдимизда содир бўлди. Қиз ва аёллар кўчага қимматбаҳо тақинчоқлар билан чиқиса, тунаб кетишадй, деган гапларни эшитгандим. Бироқ дуч келмагандим. Демак, алломиш келбатли йигитларимиз «енг шимариб» туришса, қизларимиз доим тақинчоқлар тақидан ўзини тийиш керак экан-да...

Алижон САФАРОВ

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят!
Менинг исми Дилфуза. Тошкентдаги 102-мактаб-
дан «Озодликни қўллаш акти» программаси тавсия-
сига кўра, америкалик оила билан яшаш ва мактабда
бир йил ўқиш учун АКШга келганман.

Бир йил муддат яқинлашиб арафасида. Унутилмас
таассуротларимни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман.
Аммо ёзганларимдан «барча америкаликлар шундай
экан» деб тушуниш тўғри бўлмайди. Булар менинг шах-
сий фикрим.

Дилфуза ОЛИМЖОНОВА

АМЕРИКАЛИК ОИЛАМ

Самолётда кетганимни фикри хаёлим учраша-
диган одамларим-америкалик оиланда. «Умримда
билмасан, кўрмаган одамларим билан бир йил
қандай яшайман? Улар мени, дилимни тушуни-
шармикан? Муаммолар бўлса нима қиламан? Бир
ойчишаб жонларига тегмайманми? Қанақа одам-
лар экан-а?»

Ниҳоят, самолёт қўнди. Ойнадан дам-бадам
қараб «Қачон етиб бораркинман?» деган одам
энди самолётнинг яна 2-3 соат училиши ҳоҳлаб
қолдим. Аэропортга кириб борарканман, инглиз
тилида «Мен кўрдим уни!» деган товушни эшит-
дим. Қарасам «Хуш келибсан, Дилфуза!» деган
ёзуви кўтариб туришибди. Ҳаяжондан ўзим бил-
маган ҳола кўзимдан ёш чиқиб, кулиб туриб-
ман. Америкалик олим-Ванда барчани менга та-
ништира бошлади. «Бу-аданг Рассел, бу опанг
Халли, бу сен билан баравар-Ванди, бу синг-
линг-Ребека».

— Халли, — дейман, исмлари эса эсимдан чи-
қиб қолди.

Сени исмингни қанақа ёзишни биламиз,
аммо... қандай талаффуз қиласан? — деб сўра-
дилар олим-Ванда. (Исмин ва фамилиямни тўғ-
ри талаффуз қилишни ўргатиш учун катта
қилиб ёзиб, уйга олиб қўйишган экан).

Исминни талаффуз қилмаган деб, тили «айла-
ниб» кетди. Кейин қилиб:

— Ёзган хатингизда атрофингиздагилар сени қан-
дай қақиринларини эписан. «Дили» деб қақир-
са майлими? — деб сўрашди.

Иш осон кўчанидан хурсанд бўлдим. Уйга
кетар эканмиз, кўчада одамларнинг йўқлиги-фа-
қат машиналар борлиги ажабланирди эди. Тош-
кент, Нью-Йорк кўчаларида одамларни серкантов
кўргач, бу ердаги ҳолат ғайритабиш туюлди.

«АМЕРИКА — МАККАЖҲОРИ ДАЛАСИ»

Мен бир йил яшайдиган Мичиган штатини
«Катта кўйлар штати» дейишади. Ҳақиқатан,
АКШдаги бешта кўл жойлашган бу штат та-
биати гўзал, ҳавоси тоза, ўрмонларга бой. Шу бил-
ан бирга ҳаво ҳам ўзарувчан. Эрталабки об-
ҳаводан куннинг иккинчи ярмида ҳавонинг қан-
дай бўлишини айтиб бераолмайсиз. Мичиганлик-
лар фарҳангиб:

— Бу Мичиган. Ҳаво ёқмаса, озгина кутсанг
ўзингга ёққан об-ҳавони кўрасан, — дейишади.

Уйларнинг кўп қисми коттеж усулида, катта
очиқ ҳовлиси билан қўрилган. Ҳавонинг ўзарув-
чанлиги сабабли ё супермаркетда керакли маҳсу-
лотларнинг турли кўлиги учунми, мевадан дарахт
кам экилади. Мичиган штатида (АКШнинг шимо-
лий қисмида) дўккакли ўсимликлар: маккажўҳо-
ри, нўхот, мош етиштирилади. Серемжир табиат,
ёнинг иссиқ ва узоклиги, ернинг серҳосиллиги
сабабли АКШдаги фермерларнинг 2/3 қисми мак-
кажўҳори етиштирилади. Табиийки, АКШ деганда
кўз олдимизга осмонлар бинолар, чиройли ма-
шинамо, ойнадек силиқ йўллар келади. Аммо
... биз билан бирга келган, фермерлар оиласи бил-
ан яшаётган бола ҳафсаласи пир бўлиб:

— Чапега қарасанг-маккажўҳори даласи, ўнча
қарасанг-маккажўҳори даласи. Мана сенга Аме-
рика! — деганди.

Оддий фермер 81 гектар ерга эгалик қилади ва
фақат бир турдаги ҳосил етиштирилади. Одатда, у
катта подода ҳам қарайди. Экин, етиштириши,
ҳосилни йиғиб олиш ўзининг зиммасида. Биргина
ёрдамчилари — замонавий техника бор.

ЎЗБЕКЛАРГА ЎХШАЙДИМИ!..

Яшаш шароити бизникидан фарқли албатта.
Хар бир оила авзосининг шахсий машинаси бор.
Аммо бу билан америкаликларнинг барчасини
бой дейиш тўғри эмас. Чунки, қиммат буюмлар
(мебел, уй, машина)лар кредитга олинади.
Яъни буюмларни шунинг билан бирга нархини
хар ойда белгиланган муддатгача (йиллар да-
вомида) тўлаб боришади.

Ўқиган мақолаларимни асосида америкалик аёл-
ларни кўча йўллари билан банд, деб ўйлаган-
дим. Лекин, америкалик уй бекаси учун яратил-
ган шароит билан ўзбек уй бекаси орасида кат-
та фарқ бор.

Тошкентдаликимиз А. Мелибоевнинг Америка
таассуротларини ўқитиб:

«...Очиги, биз аёлларимизга 70 йилдан бери
америкаликнинг қар ювдиган машинасидек қу-
лайлик яратганимиз йўқ...» деганига ҳайрон бўл-
гандим. Ҳақиқатан, қар ювиш учун кийимларни
турга ажратиб, қандай сўда (харорати) юви-
лиши керак бўлган тўғачаларни босасиз. Ювиб
бўлгач олдидаги машинага қўриш-дазмоллаш
учун солинади.

Олим-Ванда яхши тикувчи ҳам. Тикилиш учун
керак бўлган барча нарсга муҳайё бўлган магазин
бор. Аммо тайёр кийимлар кўлиги сабаблими,
тикишга шитиёқ ҳам. Менга ёққан-андоза тайёр

чирилган. Ўз размерингиз кўрсатилган чизикни
кесиб олиш сўралган ҳолос. Ёши вақтларимда
олим билан кийимлар тикамиз. Ўзбек миллий
атласимиздан ҳам олимга, опа-сингилларимга
кийим тикмоқчимиз. Америкалик дадам-Рассел
АКШдаги машҳур автомобилсозлик компания-
си — «Женерал Моторс»да ишлайдилар. Аҳоли-
нинг кўп қисми шу компанияда ишлайди. Менинг
бахтимга бу дадам ҳам ўзбекларга ўхшаб кетади.
Асосийси дилимни, маданиятимни, ўзбекчи-
лигининг нозик қирраларини жуда ҳурмат қила-
дилар.

Умуман, оиланимизда олим уйга қарайди. Дадам
ишлайди, опа-сингилларим ўқиш, иш билан маш-
ғул. Ишларимизни тугатгач, барчамиз кино кў-
ришга, боғинг (американинг машҳур ўйини)
ўйнашга борамиз. Сизлар учун кўлиги туюлар,
аммо кўпинча дадам, олим билан стол ўйинлари
ўйнаймиз. Бу менга жуда ёқайди. Ота-она бола-
лар билан вақт ўтказишга фурсат топишади.
Кун очик бўлганда барчамиз велосипед ҳайдаган
кечамиз. Ёши шунчаки пийда юришга... қи-
зи-а? Ҳақиқатан қизич. Бу ерда барча машина
ҳайдагани сабабли пийда юриш одатий эмас. Кў-
чада пийда кетаётган одамни кўришса «машина-
си бузилди қоландир», дейишади.

Оила авзолари бир-бирига «ай лав ю» —
«Мен сени яхши кўраман» деб қучоқлашиб ода-
ти. Биринчи келганимда шу нарсани «бачкана» деб
ҳеч қабул қила олмаганим. Ҳозир эса... бирор-
тасидан хафа бўлганимда, онам ё синглимга шун-
дай жавоб берсам кўнгли кўтарилади. Ўзбек-
лар учун яланғоч ҳисобланган бу муносабат та-
биий ҳол.

Болалар ва ота-оналар муштақил. Баъзи оила-
ларда болалар ота-онасига овқат еяётгани, шу
уйда яшаётгани учун ҳафтасига пул тўлайди.
(Бизнинг оилада эмас, шунинг) Болалар ёлиги-
да ўз пулини топиш, ишлатишга ўргатилади.
Тошкентдаликимизда ўзини муштақил деб ўйла-
ганим. Бу ерга келиб... табиийки, аввал қий-
налим. Кейин ўрганиб кетдим. Айтиш мумкин-
ки муштақиликни ўрганиш билан бирга ўзининг
одиндаги масъулиятни ҳис қилдим. Қари ота-
она алоҳида яшамади. Қарилмак нафақасини ол-
ган сабабга кетади. Сабабга керак бўладиган,
ичида барча шароити мавжуд бўлган «Маши-
на-уй» бор. Автомобил орқасига улаб ҳоҳлаган
жойга сабабга бориш мумкин. Ҳозир ҳам бу ер-
даги дадам ва олим «Машина-уйни» автомобил-
лари орқасига улаб сабабга юришибди.

«ҲАММА НАРСАНИ ШУНДАЙ ПИШИРАСИЗЛАРМИ!»

Бир кун олим «эртага уйга 30га меҳмон ке-
лади. Баъзида шунақа йиғилиб турамиз» де-
дилар. Ҳеч қадҳқа шошмаллик бекор ўтирганла-
рига ҳайрон бўлдим. Эртасига-меҳмон келадиган
кун дадам ва олим бозорга бориб, бир марта иш-
латилмаган дастурхон, идишлар олиб келишди.

— Энди торт пиширамиз, — дедилар олим.
Мен ишлатилмаган нарсаларни тайёрлаш учун:

— Қанча тухум, шакар керак? Мен тайёрлаб ту-
раман, — дедим.

— Нимага тухум... шакар...? — дедилар галати

қараб. Кейин билсам, қозғоқ қутиди торт учун

келтирилган экан. Ёзилгани бўйича сўт ё сўв

ёки ёт солиб аралаштириб пишириш керак экан,

ҳолос.

Ўзининг энг севимли тортим-асал тортини

тайёрлаб кўрсатмоқчи бўлдим. Асал бу ерда жуда

бошқача экан. Асални биринчи кўрсатишганда

ҳазил деб ўйладим. Ўзимизда асал чиройли, ранги

тоза, идишда сотилади. Агар бу идишнинг устида

«асал» деб ёзилган бўлмаганида машина мойи деб

ўйлардим. Йўқ, бу масхара қилиш эмас, асли биз-
да машина мойи худди шундай идишда бўлган-
лиги, ҳатто ранги ҳам ўхшашлиги учун ҳолос.

Уйдан асал юборишганда эса, ҳар бир келган

одамга «ўзбекча асални татиб кўр, ҳақиқий асал»

деб кўрсатишди.

Баъзилар ҳатто:

— 20 минутда пишидиган овқатларимизга қан-
дай қўнхиялсан, асалки сизларда шунчалик

зўр бўлса, — деб сўрашди.

Тортни ҳеч қандай қозғоқ қутисиз пишир-
ганимга олим ҳайрон бўлиб:

— Ҳар гал шундай пиширасизларми? — деб

сўрайдилар.

— Ҳар галгина эмас, ҳамма нарсани шундай

пиширамиз, — дедим.

Бу ерда савзавот ейишга эътибор беришган-
лиги учун машҳур таомимиз димламани жуда е-
тиштирилади. Америкалик олим ҳам димлама-
маставадан бемалол пиширадиган бўлдилар. Ўз-
бек нони машҳурлиги сабабли галда нон ёпиб кўр-
сатдим. Кўнхиялиси, чакки ўрнига вилака ишлат-
дим. Очиги, нон пишириш бу ерда шунчалик

осон бўлиши хаёлимга ҳам келмапти. Бу оилам-
га ўзбек нони ёққанлиги, ҳатто расмларга

олишганда қанчалик хурсанд бўлганимни кўр-
сангиз эди! Табиийки, овқатлар турли жойлар-
дан келтирилган. Тако-Мексикадан, машҳур

пицца-Италиядан. Ҳатто кабоб ҳам бор. Шаш ка-
боб дейишади. Димлама ҳам, ош ҳам қўйишга

билан ширин. Қизиги, бу ерда қўйишга нон

истеъмол қилинади. Супермаркетда қўйишга

ниш турларга ажратилган сотилади. Сўраган-
ларга:

— Бизда қўйишга ейилади, — десам юзини

буриштириди. От ўштириш эшитиб-ку тайёр

бўлишади. (От ўштириш Мичиган штатида қонунга

қарши). Аммо қўйишга нон кўргач, қайта сўра-
шди.

Бу ерда ўрмон кўлиги учун кийик гўшти
ейилади. Мол, товуқ, қурж гўшлари эса ҳар
қонунга истеъмол.

Биринчи келганимда «нима ичсан?» деб сў-
рашди. «Чой» десам ҳамма бир-бирига галати
қаради. Бу ерда чой, кофе ёши катталар ичимли-
ги ҳисобланади. Ёшлар пепси-кола, коок, спрайт,
севен-ап, моунтин-ду каби турли газли ичимлик-
лар, шарбатлар ичишади. Магазинда чойнинг
турли мева, зирavorлар солинган 50 тадан ортқ
тури мавжуд. Аммо ҳеч қайси чой ўзини ичади-
ган ҳинд ва грузин чойларига ўхшамайди.

Америкалик оиламга ўзбек миллий таомла-
рини пишириб кўрсатарканман, шуларни тайёр-
лашни ўргатган ойишжонимдан, дадамлардан жу-
да миннатдор бўлдим. Ишонинг, фақат пишириб
кўрсатиш орқалигина ўзбеклар ҳақида тушунча
бериш мумкин.

— Ўзбеклар «галаги» овқат еркан, деб ўйлаш-
майдими? деган халқда кўрққан одам кетма-
чаллик ўзбек овқатлари димлама, палов, мастава
ўзбек нони, асал тортни оиланимиз таомномасига
киртилгач... мағрурдим.

«АМЕРИКА — ҚАЙНАЁТГАН ҚОЗОН»

Ҳа, америкаликларнинг ўзи шундай дейди. Бу
ерда йўқ миллатнинг ўзи йўқ. Дунёнинг турли
чеккасида келганлар Америкада бир-бирини уч-
ратиб, турмуш қўришади.

Бир кун мактабда «Дилавий ҳаёт» дарсида
ўқитувчи ҳар биримиздан аждодишимиздаги мил-
латларни айтишимизни сўради. Бир ўқувчи са-
най бошлади: — Дадамнинг аждодида германия-
лик, япониялик, ирландиялик, франциялик, ҳин-
дистонлик бор. Ойининг қонида эса арабистон-
лик, хиндистонлик, германиялик, рус... Четдан жу-
да қулагли кўринарди. Навбат менга келди:

— Ўзбек!

Синф жим. Давоимни куттишпти.

— Бўлди... шу фақат, — десам ҳамма кулиб

юборди. Ўқитувчининг мақсади ҳам «Америка» —

қайнаётган қозон» эканлигини кўрсатиб бериш

экан.

Умуман, америкаликлар учун фикрийча оила
муҳим нарсга. Хар бир оиланинг ўз қонунари-
ни бор экан.

Табиийки, кўп вақтим шу оилалар ўтди. Ўзим
билмаган оила қонунарига бўйсунини, ўзга ма-
даният, одатга қўниқини, тўғри қабул қилиш,
менга кўп нарсани ўргатди. Шу оилалар яшар-
канман, ўзимизни ўзбек оиласига етдан қараб
фарқ ва ўхшашликларни кўрдим. Очиги... кўп
жойда ўзбек оиласини маъқул кўрдим. Билма-
дим... бу балки шу оилалар тугалиб, ўсганли-
ги учундир? Е соғинганими?

Нима бўлганда ҳам, америкада туриб нафақат
америка ва америкаликлар ҳақида, балки Ўзе-
кистон ва ўзбекистонликлар ҳақида ҳам кўп
нарсга ўргандим.

Америка Кўшма Штатлари,
Мичиган



АМЕРИКАДА ТУРИБ
ЎЗБЕКИСТОННИ ЎРГАНДИМ

Ариқ устига ёнбошлаб қолган толга ўтири-иб сувга термулиб, ҳаёлга толибман. Шу пайт қўлосимга майин овоз эшитилди. Енимга ўғирландим. Кўзлари чаросдек порлаб турган қизалоқ, гапига тушунмаганини англаб, сўзларни яна такрорлади: — Менга толпопук обери-ринг!

Уни шундай оҳангда айтдики, бу қизалоқ ойни сўраса ҳам йўқ дейиш мумкин эмас-дек туюлди менга.

Толнинг каттароқ бир шохини эгиб, новдалардан бир дастасини юлиб, қизга бердим.

— Раҳмат, — деди у ширин жилмайиб.

Мен бош силжиб, унинг нозик бармоқлари билан новдани синдириб олишини кузатиб турдим.

У қишлоғимизга шаҳардан меҳмонга келгани шундоқ сезилиб турарди. Кимликка келган экан? Ниҳоят, унинг толпопук ажратишни билмаслигини сездим ва:

— Новдани бундай сидириб бўлмайди, — дедим.

— Қандай бўлишини биласизми?

нинг олдига бориб тушди. «Йигитча» коптокни қўлга олиб, бир тепган эди, кўча бўйидаги уй томига тушди.

Меҳмон қиз унга ҳайрат билан термулиб қолди.

— Нега бундай қилдингиз? Олиб тушиб беринг энди! «Йигитча» кибр қилиб индамасдан бурилиб кетди.

— Тушунмайдиган бола экан!

Меҳмон қизнинг қаттиқ гапиргани шу бўлди. Лекин менга, тушунмайдиган бола сўзи дунёдаги энг ёмон ҳақорат бўлиб туюлди ўшанда.

Шундан бери тушунмайдиган-тушунмайдиган сўзига кўп эътибор бераман. Ва англадимки, тушуниш — бу ўзгаларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўриш, унинг ҳолатини англаш санъатидир. Тушуниш — кечиримли бўлиш, ўзгалар дардини англай олишдир. Демак, тушуниш — инсонийликнинг белгисидир.

Шунинг учун ҳам, бирор раҳбарнинг қабулига бормокчи бўлсангиз, «Тушунмайдиган одам, албатта сизга ёрдам беради», — дея далда

зимни тўғри тушунмагани, тушуна олмагани аён эди.

Шунда ёнимда турган ёш жувон:

— Болалар йиғлагани йўқми? деб сўрашяпти, — дея изоҳ берди. Бу ёш жувон тушунган, оқила эди. Буни ўшандаёқ англадим ва кейинчалик адашмаганимга амин бўлдим.

Мана шу нарса тушуниш. Боғдодда деб сўрашимнинг боиси, касалхонанинг юракни сиқадиغان муҳитида ҳазил учун ишлатилган сўз эди. Ҳалиги аёл эса буни тушунмади.

Шубҳасизки, аёلнинг қандай бўлиши, табиатидаги ўзгаришлар эрларнинг ўзига ҳам боғлиқ.

Уларнинг ички дунёсини, қизиқиш, табиатини ўрганиб, ўшанга қараб муомала қилиш, кўнглига йўл топиш, йўлга юргизиш оқил эрларнинг вазифасидир.

Ҳозирги даврда эру хотиннинг бир-бирини тушуниб, авайлаб яшатиш улуғ саодат.

Бир сафар тиш ювадиган сиқма тугаб қолди. Ана олиб



АЁЛНИ ТУШУНИШ

Унинг қўлидан новдани олиб, тишим билан эзгилаб, ажратдим, озгина жойини ўраб новдани тишлаб, пусти-ни сидириб олдим. Шу тариқа ҳаш-паш дегунча ҳаммасини ажратиб:

— Яна керакми? — деб сўрадим толга ишора қилиб.

— Йўқ, шуниси етади, — деди у. — Ҳозир Фотиما билан бўлишиб, буларни тақиб оламиз, — деб чопқиллаб кетди. Нарироққа боргач, бирор нарсани унут-гандек таққа тўхтади ва менга ўғирлиб: «Раҳмат», — деди.

Қизчанинг ортидан қараб қолдим.

Бирдан унинг пайдо бўлиши билан юрагим нурга шуқхга тўлганини сездим. Энди эса унинг узоклашиб бораётганини ҳис қилиш баробарида, юрагим ҳувиллаб қолаётганини англаб турардим.

Кечки пайт Норқўзиларни-кига бордим. Фотима дўстим Норқўзининг сингилчасили-гини билардим. Меҳмон қизалоқ қўшнилари билан копток ўйнаётган экан. Жимгина томоша қилиб турдим.

Унинг кийиниши, бийрон сўзлашлари ва кулиши ҳам ҳеч кимникига ўхшамас эди.

Бир пайт унинг қўлидан коптоги чиқиб кетиб нарироқдаги «томошабоя» бола-

берадилар. Бу беҳуда айтилмайди.

Еки қизларига совчи келган хонадон, ота-онаси унча ахши эмас, лекин ўғли баман-ни, тушунмайдиган йигит, қизликни берсак хор қилиб қўймайди, деган мулоҳазаларни эшитганман. Англаш-ладикки, тушуниш сўзи қайсидир маънода ўқимишли ва комил инсонларга нисбат тариқасида ишлатилади.

Ҳаётда кенг мулоҳазали, тушунмайдиган аёлларни кўп учратганман. Шундай оғиз-ларга ҳурмат билан қаровчи инсон сифатида, уларнинг турмуш ўртоғига бегараз ҳавас қилади киши.

Тушунмайдиган аёллар нима демоқчи бўлганини, кўз қарашларидан англайдилар. Тушунган аёлнинг сада-гаси кетсанг арзийди, деган гап бежиз эмас.

Ўғилчамизни касалхонада олиб ётишга тўғри келди. «Тунги ёғду» кўрсатуви-ни томоша қилаётгандик. Ўғлим уйқудан уйғониб, йиғламади-микан деб ҳадиксираб тур-гандим, қўшни палатадаги аёл келиб қолди.

— Боғдод томонларда тинчликми? — сўрадим ун-дан.

— Тинчлик бўлмай, нима бўларди?

Ҳижолат тортдим. Унинг зардали сўз оҳангидан сў-

келамам, мана олиб келаман, деб ҳеч имкон тополмайман. Ҳижолат бўлганимдан ҳали-гининг юқи-юримини аёлим-нинг тиш тозалагичига сиқиб чиқариб, ишга кетдим.

Уша кўни вақт топиб, янгисини сотиб олдим.

Бу воқеа эсимдан чиқиб кетган эди.

Бир кўни жаҳлим чиқиб қаттиқ гапириб юбордим. Ўзимга келгач, афсусланиб: — Сени шунча авайлай де-сам ҳам, хафа қилиб қўяман. Асабим ёмонлашиб бо-ряпти шекилли, — дедим.

— Авайлашингизни била-ман, — деди у жилмайиб.

— Қаёқдан биласан, — деб сўрадим вазиятни юмша-тиш учун.

У ҳозиргина бўлиб ўтган кўнглисизлигини унутиб, оғз-нинг таноби қочиб, ўша кўни тиш тозалагичига сиқиб қўйилган сиқмани эслатди.

Қаранг-а! Шу арзимаган нарсани унинг кўнглини тоғдек кутарганини билмаган, тасав-вур қилмаган эдим. Демак-ки, аёллардан меҳру муҳаб-бат, эътибор талаб қилишдан аввал, уларга ўзимиз меҳр-ли, эътиборли бўлишимиз керак экан.

Яқинда олийгоҳни тугатган танишларимдан бири уйлан-ди.

Орадан бир ой ўтмасдан

орага совуқчилик тушди. Уч ой яшмай ажралишди.

Ҳозирги замонда ўғил уйлашнинг қанчалик қийин-лиги, иқтисодий томони — харажатларни бир томонга қўйиб турайликда, бош маса-ла бўлмиш инсон тақдири ҳа-қида бош қотирайлик.

Кўёв ўз тақдирдан норо-зи, паришон, қўли ишга бор-майди, ҳамма нарсадан без-ган, ҳорғин, ҳайрону лол. Ахир унинг ўзи кўриб-билиб, ёқтириб уйланган эди. Нега бундай ҳол юз берди?

Келиннинг аҳоли бундан-да оғир. Бечора шаҳардан тушган эди. Уч кун ўтмасдан, эҳтимол тўй кунидек кўёвга сарупо қилмади, деб шивир-шивир бошланиб, аччиқ-тир-сиққа айланди. Бир ҳафта ўтмасдан овқат қилмас экан, кеч турар экан деган висир-висирлар.

Хуллас, икки ёшнинг асал ойн заҳарга айланди, тур-муши барбод бўлди, орзу-лари сароб бўлиб чиқди.

Кўёв бўлмишининг онаси ўғай экан. Қаноти қайрилган, бахтидан айрилган йигит хўр-синиб, кўз ёшларини тия ол-масдан эзилади.

— Ўзимнинг онам бўл-ганида шундай бўлмас эди. Ёмонини яшириб, яхшини ошириб, билмаганини ўрға-тиб, келин қилиб олар эди.

Тўғри гап. Оилада янги тушган келиннинг аҳолини тушунмайдиган, шаронгта мос-лашишга кўмаклашадиган меҳрибон онанинг йўқлиги билиниб қолди. Уни йўлга соладиган, уни тушунмайдиган одам бўлмади.

Ақсарият эрлар аёлим ме-ни тушунмайди, деб норо-зи бўладилар. Начора, буям тақдирнинг ёзмиши. Агар аёлингиз сизни тушунмас экан, уни сиз тушунинг, кўн-глига йўл топинг. Мени тушун-мади деб ажрашиб кетиш ҳам эр кишига ярашмайди, чоғи. Бундан кўра аёлнинг қизиқиши, қандай юмуш би-лан шуғулланишини, нимани хуш кўришини билинг ва ўшанга имкон яратиб беринг. Ахир бир оилага бахт келти-ра олмаган, биттагина аёлни бахтли қилолмаган эркакнинг қандай қилиб элу юртга фой-даси тегсин.

Эр парвариш қилса, аёл париваш бўлади, деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Аёлларимизга меҳр бер-сак, у бизга фарзандлари-миздан, аёлимиздан минг ҳисса бўлиб қайтиши шубҳа-сиз. Аёлларимиз эса «ара-ва»ни тенг тортишмас ҳам, яхши гапларини айтмасас бас. Бизни тушунсалар бўлгани...

Раҳмон Али АЪЗАМ

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадаҳон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Мухаббат ИБДОДОВА, Ҳалим САИЙИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Болалар жам-гармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамгармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлаш-маси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.

Телефон: 39-43-95

Иқром ИСКАНДАР навбатчилик қилди.

Обуна индекси — 64654

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма № Г-976. 19044 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.